



# XALQ DEPUTATLARI UCHQO'RG'ON TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 24 - dekabr

VI-42-71-6-87-K/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сонли қарорига асосан Учқўрғон туманида талабгорларни рўйхатига киритилган Станбекова Нигина Тохир қизига уй-жой олиш учун бошланғич бадал сифатида ажратилган 18 млн сўм маблағни пластик карточкасига ўтказиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 285-сонли қарорига асосан туман ҳокимлиги ҳузуридаги турар жойларга талабгорларни танлаш бўйича комиссия аъзолари томонидан уй-жой сўраб мурожаат этган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин қизлар, ногиронлиги бўлган кам таъминланган, фарзандлари тўлиқсиз оилада тарбияланаётган хотин қизларни оилавий шароитларини ўрганиш натижаларига биноан мезон талабларига мувофиқ туманда талабгорларни рўйхати шакиллантирилган уларга бошланғич бадал маблағларини Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” томонидан амалга ошириш учун тавсия этилганлар орасида Стамбекова Нигина Тохир қизи 10.03.2003 йил да туғилган, Дехқонобод МФЙда яшовчи 26 меҳрибонлик уйида тарбияланувчиси булган, ҳозирда ҳоласи қарамоғида яшаб келмоқда, уй жойига эга эмаслиги аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. Стамбекова Нигина Тохир қизига Дехқонобод МФЙ қошида ташкил этилган ишчи гуруҳнинг далолатномаси ҳамда ҳудуд депутати Н.Тожиддиновнинг хулосаси асос учун қабул қилинсин.

2. Стамбекова Нигина Тохир қизи номига ўтказилган 18 000 000 (ўн саккиз миллион) сўм уй-жой олиш учун бошланғич бадал пул маблағи Саноат қурилиш банк томонидан берилган 9860 0601 2297 6214 рақамли пластик карточкасига ўтказиб берилсин.

3. Ушбу маблағларни мақсадли сарфланиши устидан депутатлик назорати ўрнатилсин.

4. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссия раиси А.Мўминов зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



Yunusov X. O.